

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: info@xs.uz

2007 йил 8 июнь, № 111 (4264)

Жума

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 июнь кuni Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди.



— Сизнинг ташрифингиз Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи эканлиги билан ҳам муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон учун араб давлатлари билан муносабатлар устувор саналади. Шу маънода, Баҳрайн билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик қилиб келади. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланяпти, деб бўлмайди. 1997 йилнинг февраль ойида Баҳрайн нефть ва саноат вазири раҳбарлигидаги савдо-иқтисодий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

юрганида ўзаро ахборот алмашиш масалалари ҳам алоҳида муҳокама қилинган эди. Шу мақсадда делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, "Ўзбекнефтгаз" миллий хол-

динг компанияси, Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириликларидан музокара ўтказган эдилар. Мутахассисларнинг фикрича, юртимизга Баҳрайн

сармоясини жалб этиш, Ўзбекистондан у ёққа мева ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаруви қўшма корхоналар тузиш ва сайёҳлик — ҳамкорликнинг истиқ-

болли соҳалари саналади. Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш буйича улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намоянда-

лари, спортчилар ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши табиий. Бир неча йил аввал Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тадбиркор аёллар уюшмаси делегацияси Манамада ўтказилган йиллик хайрия бозорига қатнашди. Унда халқимиз амалий санъати буюмлари ва рассомларимизнинг асарлари намойиш қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Баҳрайн Оналар ва болаларни ҳимоя қилиш жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув протоколи имзоланган.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа Ўзбекистонга ташрифи самарали ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилганини таъкидлади. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинишида Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид ҳамда томонларни қизқитирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.)  
Абдувоҳид ТўРАЕВ  
олган сурат.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ 7 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентларaro ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро таҳриба ва ахборот алмашувини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Н. МАНЗУРОВА,  
Ў.А. мухбири.

## БУЮК ДАВР ШАВКАТЛИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТУФИЛИШИ

Бирлашган Араб Амирликларида нашр этиладиган «Асфар» журналининг май ойидаги сонидан ана шундай сарлаҳқа остида Ўзбекистонга бағишланган мақола босилиб чиқди. Унинг муаллифи яқинда юртимизда бўлиб қайтган араб журналисти Умар ас-Санжарийдир.

«Асфар» журнали сайёҳлик соҳасини кенг ёритувчи етакчи нашрлардан бири бўлиб, араб дунёсида катта эътибор қозongan.

Мақолада замонавий Ўзбекистон ҳаётининг турли жаҳалари ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, муаллифнинг кайт этишича, «Ўзбекистонда ислом цивилизацияси тараққиёти умумий жараёндаги салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодлар меросини ўрганиш ва уни кўз қорачиқдай асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакат раҳбарияти ўзбек халқининг бой илмий-маданий мероси ва миллий қадриятларини қайта тиклаш ҳамда араб-авайлаш юзасидан кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон кўп асрлар давомида Мовароуннаҳр номи билан машҳур бўлиб келган.

Бу замин пайгамбаримиз Муҳаммад ҳақидаги ҳадисларни жамлаган китобнинг муаллифи — Имом ал-Бухорийнинг Ватани ҳамдир. Бу муқаддас юртдан Абу Али Ибн Сино, ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Махмуд аз-Замашшарий, Имом ат-Термизий, Бахавуддин Нақшбанд каби бошқа кўплаб олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан.

Мақола муаллифининг фикр билдиришича, араб миллатига мансуб аҳоли вакилларининг кўпчилиги ўзбек халқининг бебаҳо маданий ва маънавий мероси ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмас. Шу муносабат билан Умар ас-Санжарий ўз ватандошларини ислом цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган, жаҳон фалсафаси, илм-фани ва маданияти со-

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

## БАҲРАЙН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида 7 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Ислам Каримов ва Баҳрайн ташқи сиёсат масалалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисида протокол имзоланди.

Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришни, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа кўлаб соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашни ҳамда томонларни қизқитирган халқаро муаммолар ва ўзаро ҳамкорликка оид маса-

лалар буйича мўтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш ва фикр алмашишни назарда тутди. Протоколга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа имзо чекдилар.

Баҳрайн делегацияси аъзолари пойтахтимизда бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуғига ташриф буюриб, Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи каби иморатларни кўздан кечирди. Меҳмонлар бу ерда Президент Ислам Каримов раҳнамо-

лигида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар. Ушбу ишчиларнинг бунёд этилган Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий натижаси эканлиги таъкидланди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли асосда ривожланиб

бормоқда. — деди Баҳрайн делегацияси раҳбари. — Биз юртингиз билан ҳар жаҳада, айниқса, таълим, фан, сайёҳлик, савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. Ўйлаймизки, ташрифимиз доирасида ўтган учрашув ва мулоқотлар, имзоланган ҳужжат Ўзбекистон-Баҳрайн алоқаларини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади. Бугунги келишувлар истиқболда янги қўлма лойиҳалар ишлаб чиқув ва амалга ошириш учун замин яратди, деб ишонамиз.

Ирода УМАРОВА,  
Ў.А. мухбири.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### «Фидойи ёшлар — фаҳримиз!»

Жиззах Давлат педагогика институтида шу мавзуда ёшларни оғоҳликка, она-Ватанига асраб-авайлашга даъват этувчи тадбир бўлиб ўтди.

Кўргазмали воситалар орқали очик мулоқот тарзида ўтган йилнинг истиқлол йилларида баркамол авлод вакилларининг тутган ўрни, ёшларнинг терроризмга, турли зарарли оқимларга қарши олиб бораётган кураши, барчанчи оғоҳликка даъват этувчи фаолиятлари ҳақида сўз юритилди. Ёшлар ташкилотларининг бу борадаги қундалик вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг 30 фоизи «Ўзбекнефтгаз» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот тайёрланмоқда. Бунга истиқлол йиллари давлатимиз томонидан соҳа ривожига қаратилган эътибор, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хорижий ҳамкорлар сармоялари иштирокида янгиликларни бунёд этиш орқали эришилди. Пойтахтимиздаги «Spentex Tashkent Toytera» масъуляти чекланган жамияти — истиқлол қалдирғочла-

### Модернизация: янги имкониятлар калити

ридан бири. Айни пайтда 4,5 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада юқори сифатли калава ип тайёрланмоқда.

— Замонавий ускуналар ўрнатилгандан сўнг маҳсулот сифати янада ошди, — дейди корхона бош директори Сантош Кумар Жейн. — Натижада хорижда унга талаб тобора ортиб борапти. Буни маҳсулотимизнинг 80 фоизи дунёнинг кўлаб давлатларига экспорт қилинаётгани ҳам аққол исботлаб турибди. Яқинда корхонада яна қўшимча замонавий ускуналар ўрнатилди. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш суръати ўсди. Қувонарлиси, бу ерда мато туқиш ҳам йўлга қўйилди. Демак, «Spentex Tashkent Toytera» корхонаси нафақат калава ип, балки ранго-ранг матолари билан ҳам жаҳон бозорига кириб боради.

СУРАТДА: корхона ишчиси Розия Жабборова меҳнати маҳсулидан мамнун.

Алло АБДУЛЛАЕВ (Ў.А) олган сурат.

### Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар бошқа тармоқлар сингари тиббиёт соҳасида ҳам турли мулкчилик шакллари юзга келтирмоқда.

### ЯНА БИР ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

Сурхондарё вилояти аҳолисини ҳам хусусий тиббий шифохоналар хизматидан кенг фойдаланишмоқда. Мазкур шифо масканларида миқозларга замонавий ускуналар ёрдамида ташхис қўйилиб, тиббий маслаҳат берилляпти.

Вилоят марказида ана шундай тиббий муассасалардан яна бири — «Гипократ-Термиз» хусусий шифохонаси иш бошлади. Шифохона бош вазири Кошкунимовнинг таъкидлашича, ўн нафарга яқин малякали врач ва ҳамшира меҳнат қилаётган тиббиёт масканида ошқозон-ичак ва юрак хасталикларни билан оғриган беморларни даволаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Айни вақтда тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,  
Ў.А. мухбири.

## БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов жорий йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия масалаларига эътибор янада кучайганини таъкидлади. Хусусан, сўнги беш ой мобайнида қишлоқ жойлардаги кўп фарзандли ва кам таъминланган 1 минг 476 oilага

қорамол тарқатилди, 21,8 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун 255 кишига имтиёзли кредит берилди.

Соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. «Саломат-

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

лик-2» лойиҳаси буйича қишлоқ врачлик пунктларига 981 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Бешта қишлоқ врачлик пункти муқаммал таъмирланди. 102 ногиронга махсус аравача тортиқ қилинди. 39 кишига сунъий кўз гавҳари қўйилди. Бу ишларда ҳомий ташкилотлар ва саховатпеша инсонларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида «Ўзқишлоққўжаликмаш-холдинг» компанияси тизимидаги корхоналарда аграр сектор учун техника воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

# 115,4 фоиз ўсди

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ юқини камайтириш, корхоналар молиявий аҳолини мустақамлаш, уларнинг айланма маблағларини кўпайтириш соҳада эришилган ана шу ютуқнинг асосий омилли бўлди.



## Спорт байрамини интиқиб кутаяпмиз

«Универсиада — 2007» мусобақаларида Хоразм вилояти ёшлари совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйишган.

— Талабаларимизнинг уч нафари халқаро спорт устаси талабини бажарган, — дейди Урганч Давлат университетининг маънавият ва маърифат ишлари буйича проректори О. Абдуллаев. — Мамлакат ва халқаро миқёсдаги турнирлар ғолиби бўлган спортчиларимиз ҳам бор. Шундан 139 нафари «Универсиада» баҳсларида иштирок этади. Шогирдларимизнинг

мусобақага яқши тайёргарлик кўришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Вилоятдаги энг замонавий спорт иншоотлари, стадионлар улар ихтиёрида. Тажрибали мураббийлар спорт байрамига тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқдалар.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ювенал — адлия ривожда янги босқич

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ювенал адлия соҳасида фаолият юритувчи адвокатлар ва нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари таълим даражасини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ювенал адлия тизими — воёга етмаганлар ҳуқуқлари ва ҳимоясига оид масалаларни ўз ичига олади. Ҳуқуқнинг алоҳида бўғини саналадиган ушбу соҳада маҳсус нормалар ва бу иш билан шуғулланувчи мутахассислар фаолияти йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи доимий эътиборда. Миллий

конунчилигимизда болаларга нисбатан улкан меҳр ва инсонийлик таъминини ўз аксини топган.

Бундай ибратли ишлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган бола ҳуқуқлари буйича халқаро ҳужжатларга мосдир.

Тадбирда иштирокчилар соҳа бўйича халқаро тажрибани ўрганиш билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикрлашиб олдилар.

## Самарқанднинг «кумуш тола»си

Самарқанд вилояти пиллачилари қабул пунктларига 2 минг 480 тонна қimmatли саноат хомашёси топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Пайриқ, Жомбой, Ургут, Булунгур ва Самарқанд туманлари пиллачилари вилоят хирмонида салмоқли улуш қўшдилар.

Мавсумда 48 мингдан ортиқ зевонда 54 минг 311 қўти ипак қурти парваририланди. Жомбой туманидан Роҳат Эгамбердиева, каттақўрғонлик Зебинисо Бобоева, пайриқлик Гўлчера Тўқсонова, пастдарғомлик Офтоб Имомова бошчилигидаги зевонлар хар қўти қурт уруғидан 65-70 килограмдан ҳосил етиштирилди. Мавсум аввалида пилла-

корлар учун барча зарур шарт-шароит яратиб берилди, бунга пулларни ўз вақтида етказилди, — дейди вилоят «Пилла» акциядорлик биришмаси раиси Алишер Қаноатов. — Шунингдек, шартномада белгиланганидан ташқари топширилган пилла учун қабул пунктларининг ўзида ҳисоб-китоб амалга оширилди. Бундай чора-тадбирлар муваффақиятнинг асосий омилли бўлди.

## Сирдарёлик пиллачилар зафари

Сирдарё вилояти пиллачилари қабул пунктларига 520 тонна қimmatбахо саноат хомашёси топшириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарди.

Мавсумда 11 минг 554 қўти ипак қурти парваририланди. Хар қўти қурт уруғидан ўртача 48,7 килограмдан ҳосил олинди. Пиллачилар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани, олинган бунга пули тўлгани, етарли озуқа манбаи ҳозирлангани бу ютуқнинг асосий омилли бўлди. Айниқса, Боёвот, Оқолтин, Сардоба туманлари пиллачилари вилоят хирмонида салмоқли улуш қўшди.

Пилла топшириш давом этмоқда.

## Сизга — эъзоз, сизга — эҳтиром

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг амалга ошираётган ишларида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ижтимоий ҳимоя йилида бир қатор хайрли тадбирлар амалга ошириляпти. «Муруват», «Саховат», «Меҳрибонлик уйлари»нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд фуқароларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, узок йиллар мобайнида турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилган нуруний она-хонлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишлар шулар жумласидандир. Айни пайтда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида кўмита томонидан хотин-қизларни ма-

лакालи шифокорлар кўригидан ўтказиш, турли соғломлаштириш спартакиадалари ва турнирларини ташкил этиш, хайрия марафонлари, концертлар уюштириш аънаънага айланди.

Шу йилнинг 12-15 июнь кунлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри, Миллий симфоник оркестр ижодий жамоалари иштирокида катта хайрия концерти бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

## Замон — изланганни ки

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари «КамАЗ-740» русумли юк автомобили двигателига мўлжалланган ҳавотуттич яратишди.

Бў мослама дизель ёнилғиси билан ишлади. Ички ёнув двигатели қувватини оширади ва унинг ишлатилиш мuddатини узайтиради. Бу дан ташқари, мотордан захарли моддалар ва курум чиқишини муайян даражада камайтиради. Ешлар яратган қурилма айна кезларда Урта Чирчиқ туманидаги автотранспорт хўжалиги корхонасида амалиётга жорий этилди. Дастлабки натижалар чакки эмас. Кузатув маълумотларига қараганда, ҳар бир янги ҳавотуттич 20 минг сўмлик тежамкорликка эришти имконини бермоқда.

«Халқ сўзи» ва ҲАА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда тўрт мингдан кўпроқ чўпон отарлари бор. 1000 бош қўйлик отарда бир йилда 3700 кубометр сув истеъмол қилинади. Шунча сувни ер остидан тортиб олиш учун насос ўн бир минг литр бензин сарфлайди. Бир литр бензиннинг нарҳини ўртача олти юз сўм деб олсак, шу кичик хўжаликни сув билан таъминлашнинг ўзига ҳар йили 6,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ керак бўлар экан.

Бензин ўрнига қуёш энергиясидан фойдалансак-чи? Ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қуёш фотоэлектрик тизими ва насоснинг нарҳини қўшиб ҳисоблаганда тўрт миллион сўм атрофида туради. Ҳеч бир ёқилғи сарфламасдан, улардан 20 йилдан кўпроқ мuddат, фойдаланиш мумкин. Энди қай бири фойдалироқ эканини ҳисоблаб кўраверинг.

Бу — масаланинг иқтисодий томони. Қуёш энергиясидан фойдаланишга ўтилса, атмосферага чиқаётган чиқиндилар миқдори барча отарлар буйича ҳисоблаганда 156 минг тоннага камаяр экан.

Кейинги ўн беш-йигирма йилда дунёда экологик жиҳатдан тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларига — қуёш ва шамол ёрдамида энергия ишлаб чиқаришга эътибор жуда кўнади. Олимларнинг қайд этишича, келгуси 50 йилда нефть, газ, кўмир каби энергия турлари ўрнини қуёш, шамол ёрдамида олинмаган энергиялар эгаллайди.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, улар ёрдамида энергия ишлаб чиқариш нисбатан осон ва арзон, экологик жиҳатдан мулкка зарарсиз, аτροφ-муҳитни ифлослантормади, одамлар соғлиғига зарар етказмайди. Энг асосийси, йилдан-йилга нефть, газ, кўмир захиралари камайиб борапти.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида дунёда аллақачон катта тажриба тўплаган. Европа мамлакатларида, Канадада, АКШда, Японияда тажрибалардан ташқари уни ҳаётга татиқ этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Европа Иттифоқидан махсус дастур қабул қилинган. Унга асосан, 2020 йилга бориб, ЕИ эҳтиёжи учун зарур бўлган энергия миқдорининг 20 фоизга қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қопланиши керак.

Киото протокоliga мувофиқ, Германия 1990-2010 йилларда атмосферага парник газлар чиқариши 21 фоизга камайитириш мажбуриятини олган. Бунга немислар қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳисобига эришмоқчи.

Бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бу масалага жиддий эътибор қартилган. Чунки мамлакатимиз иқлими ва жўрғофий шароити қуёш ва шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар ашиғини очди. Бутун Қорақалпоғистон Республикасида ва айрим вилоятлардаги объектларда қуёш энергиясидан фойдаланилмоқда. Лекин замон бу ишларни янада жадаллаштиришни талаб қилапти. Албатта, бу ишни амалга ошириш

қилинди. Уларда мамлакат энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш йўллари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. 2006 йилнинг 10 февраль кунин Юрбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил ажунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ҳам ноъбанавий, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ҳақида алоҳида таъкидлаган эдилар.

Бизнинг корхонамиз бир мезёр-



# ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ЧЕКСИЗМИ?

Олимларнинг қайд этишича, келгуси 50 йилда нефть, газ, кўмир ўрнини қуёш, шамол ёрдамида олинмаган энергиялар эгаллайди.

ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун, аввало, маблағ керак. Ҳўш, бу маблагни қаердан оламиз? Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаптики, бунинг бир неча йўллари бор. Масалан, АКШда 1997 йилда қайта тикланувчи электр манбаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. 2002 йилда шу жамғарма маблаг ҳисобидан 1200 мвт. қуяла-нишли тикланувчи электр манбалари қурилиши бошланди.

Хиндистонда 1992 йилда 40 мвт қувватга эга қайта тикланувчи электр манбалари бор эди. 2000 йилга келиб, у Голландия, Италия, Буюк Британия каби мамлакатларни ортда қолдириб, бу соҳада дунёда бешинчи ўринга чиқди. Бунга, аввало, давлат томонидан қайта тикланувчи электр манбаларини ривожлантиришга катта эътибор берилгани тўғрисидаги қарарлар, иккинчидан, бу соҳага маблағ сарфлаган хусусий тадбиркорларга маълум имтиёзлар берилди. 1992 йилда мамлакатда қайта тикланувчи электр манбалари вазирлиги ташкил этилди.

«Кизилқуммемонт» ОТАЖ 2005 йилдан бўён шамол энергияси ишлаб чиқариш муаммоси билан шуғулланиб келади. Акциядорлик жамияти бор директори, сенатор Р. Жуманиёзов бу ҳақда шундай дейди: — Мустақилликка эришганимиздан сўнг соҳани ривожлантириш бўйича қатор ҳужжатлар, жуьмладан, «Электр энергиясидан оқилноа фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони ва яна бир қанча ҳужжатлар қабул

да ишлаб туриши учун ҳар йили жуда катта миқдорда энергия зарур. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдан олинмаётган даромаднинг каттагина қисмини энергияга сарфлашга тўғри келяпти. Шунинг учун ҳам мутахассисларимиз билан келишиб, арзон ва зарарсиз энергия ишлаб чиқариш манбалари яратишга бел боғланганим. Бу йўлда бир неча йилдан бўён Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика институти олимлари билан ҳамкорликда тажрибалар ўтказиб келяпмиз.

Бекобод тумани ҳудудида ҳамкорликда ўтказган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, биз кўрмоқчи бўлган 63 МВт қувватли шамол электр станцияси бир йилда 7,7 миллиард сўмлик, яъни 225 миллион квт. соат энергия ишлаб чиқариши мумкин экан. Бу корхонамизда бир йилда электр энергияси учун сарф қилинадиган харажатни 37 фоизга камайитириш имконини беради.

Юкорида тилга олинган 225 миллион квт энергияни ишлаб чиқариш учун ўртача 112,4 миллион куб метр, яъни 5,7 миллиард сўмлик газ керак бўлади. Шу гази хорижга сотиб, олинган фойдани иқтисодиётни ривожлантиришга, одамлар ҳаётини янада яхшилашга сарфлашга маъқул эмасми?

Кейинги йилларда мутахассисларимиз бир неча хориж давлатларида бўлиб, амалий ишлар билан танишиб келишди. Шунинг қайд этишимиз лозимки, техниканинг йилдан-йилга мукаммаллашиб бориши ва рақобат тўғрисидаги шамол энергияси ишлаб чи-

## Таққос ва таҳлил

қарадиган технологиялар арзонлашиб бормоқда. Масалан, бир неча йил бурун бир квт. қувватга эга шамол агрегатларининг нарҳи 1500 АКШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1000 долларга тенг. Бундан ташқари, шамол энергияси ишлаб чиқариш ҳозирга келиб ўтган асрнинг 80-йилларига қараган-

қилинган «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»га Фармонда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси зиммасига бир қанча вазифалар юкланган эди, — дейди у. — Шулардан келиб чиқиб, компания қайта тикланувчи электр манбаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиши зарур.

Тўғри, ҳар қандай янгилик дарров фойда келтирмайди. Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳам бундан мустасно эмас. Аввало, кредит, субсидия, грант ҳисобидан соҳани ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Масалан, Швецияда шамол энергияси манбалари харажатларининг 85 фоизини, қуёш энергияси базасида иситиш тизимлари яратишга кетадиган харажатларнинг 25 фоизини ҳукумат томонидан берилмаган сармоявий грантлар ташкил этади.

Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам соҳани мувофиқлаштириб турадиган масъул идора ташкил этилса, бу идорага солиқ ва бож бўйича имтиёзлар берилса, ишлар янада жадаллашиб кетишига кенгроқ йўл очилади, деб ўйлайми.

Албатта, илмий ишларни, тажрибаларни давом эттиравериш лозим. Чунки бусиз янги технологияларни яратиб бўлмади. Бу ишга Фанлар академияси бош-қош бўлиши керак.

Соҳани ривожлантириш, бу ишга тадбиркорларни, хориқлик сармоядорларни жалб этиш учун ҳуқуқий ҳужжат зарур. Шундай экан, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳақида Қонун қабул қилиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Яқинда Олий Махлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасида шу масалага бағишланган йиғилиш бўлди. Унда қатнашганлар соҳани ривожлантириш ҳар томонлама зарур ва манфаатли эканлигини таъкидладилар.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида шундай қонунлар бор. Масалан, Исроилда қабул қилинган қонунда баландлиги 23 метргача бўлган барча бинолар қуёш билан иситиладиган тизимга эга бўлиш шартлиги белгилаб қўйилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, шу тўғрисида ҳар йили мамлакатда 715 минг тонна шартли ёнилғи иқтисод қилинмоқда.

Энергетика масаласи бугун дунёда энг глобал муаммолардан. Таъбир жоиз бўлса, у сийсат, таъйиқ ўтказиш қуроли даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиши, борларини тақомиллаштириши иши оддини ўринга чиқди. Зеро, мамлакатимизда ҳам қайта тикланувчи электр манбаларини тиклаш, улардан оқилноа фойдаланишни йўлга қўйишнинг вақти етди. Бунинг учун эса, мутахассислар таъкидлаганидек, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бу ишга олимлар, тадбиркорлар, чет элик сармоядорларни жалб этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, соҳага алоқадор қушларни бирлаштириш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Шунда қўзланган мақсада тезроқ эришамиз.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

# Обрў, иззат — меҳнатдан



Исламжон Тўхтасиновни Фурқат туманидаги яши билди. У — уста пахтакор. Уни элга танигани — ҳалол меҳнат, фидойилик. Мана, салкам ўттиш йиллари, ерга чиғит қадаб, дур ундирди.

Исламжон ака — ҳозир фермер. 139 гектар экин майдони бор. Бу йил унинг 79 гектарига гўза парваришалапти. Барваж ниҳоллар кўзни қуналади. 60 гектардаги галлазор эса бўлиқ бошқо-

дан бошини эғиб турибди. Мулкдорнинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олини мўлжалламоқда.

— Яқинда лизинг асосида «Клас» русумли галла ўриш комбайнини харид қилдик, — дейди фермер гуруралиб. — Энди галламининг ўзимизнинг комбайнида ўриб-йичиб оламиз. Унинг иш унуми оқори.

Фермер хўжалигида деҳқончилик учун зарур техникаларнинг ҳаммасидан бор. Қишлоқ мулкдори ўз техни-

калари билан қўшни фермерлар ҳожа-тини ҳам чиқарпти. Бу — қўшимча даромад дегани. Олинган фойданинг бир қисмини эса шу ҳудуддаги мактаб билан, қишлоқ йўлини таъмирлашга сарфламоқда.

СУРАТДА: фермер Исламжон Тўхтасинов ва механизатор Йўлдошали Деҳқонов галлазорда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Хўштаъм чойга марҳамат

Марғилоннинг «Иқбол» маҳалласидаги «Ният барор» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси Хитойда дастлабки ишлов берилган кўк ва қора чойни қадқоқлашни бошлади.

— Шу баҳона йилгирмага яқин маҳалла ёшлари иш билан таъминланди, — дейди фирма раҳбари Абдуфаттоҳ Нурматов.

Чиройли ва ранг-баранг идишлардаги хўштаъм чойлар миқдорларга манзур бўлмоқда.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ.

## Кексаларни қадрлаган эл

Сурхондарё вилоятида 1 минг 130 дан зиёд иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси истиқомат қилади.

Воҳада қарияларга иззат-икром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида муайян ишлар олиб борилмоқда. Нурунийлар учун юртимиздаги қадимий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга зиёрат уюштирилмоқда. Ўйларни таъмирлаб берилляпти. Улар энг сўлим санаторийларда саломатлигини тикламоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида

400 нафарга яқин отахон ва онахон санаторийларда дам олиб қаятди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси яна 340 нафар нуруний мамлакатимизнинг турли сийхатгоҳларига йўлланма билан таъминлади.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ҲАА мухбири.

# БУЮК ДАВР ШАВКАТЛИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТУФИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳасида катта муваффақиятга эришган Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунини ўрганишга ҳамда бу борадаги ўз билимларини кенгайтиришга чакирлади.

Араб журналистнинг таъкидлашича, Ўзбекистон халқи кўп асрлардан бўён ўзининг бой миллий урф-одат ва аъналарини сақлаб келади.

Муаллиф ўз мақоласида Самарқанд шаҳрига алоҳида ўрин ажратган. «Самарқанднинг меъморий дурдонаси бўлиши Шох-Зинда мажмуасида Мухаммад пайгамбаримизнинг амакивачаси Кўсам ибн Аббос мақбараси жойлашган. Шунингдек, Самарқанд атрофида Имом ал-Бухорийнинг ёдгорлик мажмуаси ҳам бор. Унинг шонли тарихи мобай-

нида бу шаҳар Мухаммад ибн Удай Самарқандий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Қосим ал-Лайсий, Қозизода Румий каби беқийс олим ва алломалари билан жаҳонга танилди. Ўзбек давлатчилиги тарихида буюк Амир Темури қўшган ҳисса хусусида тўхта-лар экан, Умар ас-Санжарий Самарқанд Темури ва Темурийлар давридан бўён асрлар давомида Мовароуннаҳр пойтахти бўлганини алоҳида таъкидлайди. Муаллиф Самарқанд қадим-қадим даврлардан бўён бу ерда ишлаб чиқарилган машҳур «Самарқанд қоғозлари», миллий тўқимачилик ва гиламдўзлик санъати билан ҳам дунёда шўҳрат қозонганини қаламга олган.

«Жаҳон» АА Дубай.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

## Бугуннинг долзарб масаласи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича қилинадиган ишлар кўлини кенгли-ти, шунингдек, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Жуьмладан, вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари жисмоний имконияти чеклангани боис уйда ўқийдиган 562 нафар болани дарслиқлар, ўқув анжомлари билан таъминлаш бўйича ишчилик чоралар кўришлари зарур. Шулар қаторида 32-«Меҳрибонлик уйи» биттирувчиларига Бухоро шаҳрида оилавий ётоқхона ташкил қилиш, янги қуриляётган бинолар атрофида ногиронлар учун махсус йўлақлар барпо этиш, уларнинг турар жойларга, иқтисодий муассасаларга бора олиши учун шароит яратиш масалалари билан жиддий шуғулланиш даркор. «Саломатлик-2» лойиҳасига киритилган қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш ишлари Фижудовон, Қорақўл, Шо-Фирқон, Жондор, Қоғон, Пешку туманларида сўст бормоқда. Бухоро, Ромитан, Фижудон туманларида эса қишлоқ аҳолисини тўза ичимлик суви билан таъминлашда узлишларга йўл қўйилмоқда.

Сессияда шу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Э. ЁДОРОВ, ҲАА мухбири.

КОСМЕТОЛОГИЯ

# Ойдан-да гўзал...

**Қадди-баста келишган Дилбарнинг қовоғида беўжшов иллат бор эди. Одамлар унга эмас, ўша қусурга қараётгандек бўлаверарди. Шундан у йиманарди — ўзини четга тортарди. Яқинда у бир тўйга яшнаб кириб келди. Уни кўрган борки, ҳайрон қолди. Ҳатто дугоналари ҳам таниёлмади. Унинг қовоғидаги қусур йўқ эди. Бирам чиройли, бирам хурсанд эди...**

Хуснубазар, сўғал, юздаги ҳар хил доғлар қиз-жувонларнинг дилни хира қиладиган нуқсонлар бўлиб, хуснга соя солиди. Уларни йўқотиш эса осонмас. Унга, албатта, косметолог-шифокор аралашуви даркор. Бундан ўн йил аввал шифокор Шаробиддин Эргашев Наманган шаҳрида ўзининг «Тиббиёт ва косметология» марказини очиб, ана шу мураккаб ишга қўл урди.

Аваллига турли лосьон, суртма ва махсус совунлар билан ишланган мутахассислар мезотерапия, лазер билан даволаш усуллари ҳам ўзлаштирадилар. Муолажалар озорсизлигидан дилбар қиз-жувонлар мамнун.

Ш. Эргашев техника, электроникага қизиқиш билан қарайди. Унинг шу хусусияти марказда янги фаолият тури билан шуғулланишни йўлга қўйишда асқотди. Гап шундаки, эндиликда бу ерда мураккаб тиб-

бий жиҳозлар — УТТ сканери ҳам йиғилмоқда. Бу имконият шифокор 2005 йили бир гуруҳ ишбилармонлар сафида Хитойда ўтказилган «Тиббиётда юқори технологиялар» халқаро курғазмасида қатнашиб, қайтгандан сўнг ишга солинди. Ушунда у хориждан тиббиёт техникасининг бутловчи қисмлари етказиб бериш кўзда тутилган шартномалар тузганди. Хусусан, лазер технологиялари корхонаси иши билан танишиб, косметология усуналарини ха-

рид қилишга чоғланди. Бундан ташқари, Шанхайдаги фирмандан 150 минг АҚШ доллари миқдоридagi оптик асбоблар, Шижоудаги корхонадан 200 минг долларлик ультратовушли тадқиқот усунаси сканерларининг бутловчи қисмларини олиш режаланди. — Тайёр техникани сотиб олишдан кўра уни йиғиш анча арзон тушади, — дейди у. — Масалан, УТТ сканери хорижда 10 минг АҚШ долларидан кўпроқ туради. Бизда йиғилгани

3,5 миллион сўмга тушапти. Изланиш, интилиш туфайли тadbиркор шифокорнинг ишлари юришиб кетди. У «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди. УТТ сканери, электрон микроскоп, рақамли тартибда ишлайдиган лапараскоп ва бошқа тиббий воситаларни муваффақиятли намойиш этган Шаробиддин Эргашев «Энг яхши тadbиркор» номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Бугун мазкур косметология хизматидан барча, айниқса, аёллар мамнун. Бир зумда юзидаги қусурдан холи бўлганларнинг кўтаринки кайфиятини кўрсангиз, беихтиёр хондонларимиз фариштаси бўлиш аёлларимиз чиройли-чирой кўшаётган гўзаллик ошуфтлари бор бўлсин, дегингиз келади.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖАҲОН

24 соат  
ичида

### Музокараларни тиклаш таклифи

**Собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал Бош прокурори Карла дель Понте Сербиянинг Европа Иттифоқига кириши юзасидан музокараларни тиклашни таклиф қилмоқда.**

Унинг сўзларига кўра, айни пайтда вазият ижобий томонга ўзгарган ва музокараларни бошлаш мумкин. Сербия ҳукумати Гаага трибунали билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Манбада келтирилишича, серб ҳукумати яна уч нафар гумондорни халқаро судга топшириши лозим. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Сербия ҳукумати ҳарбий жиноят содир этганлиқда гумон қилинаётган шахсларни халқаро судга топширмаганлиги учун ЕИГА кириш бўйича музокаралар тўхтатиб қўйилганди.

### Мақсад — ойдinлик киритиш

Кеча Германияда бўлиб ўтаётган «катта саккизлик» давлатлари саммитида етакчилар ялпи иссиғи қарши ҳамкорликда чора-тадбирлар кўриш, эркин савдо муҳитини яратиш ва ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилдилар. Россия ва АҚШ Президентларининг яқиндаги учрашуви кутулапти. Улар кейинги пайтда икки давлат ўртасида юзага келган қарама-қарши нуқтаи назарларга ойдinлик киритишмоқчи.

### Президентнинг ўзи шуғулланмоқда

Яқинда Нигерияда олти нафар россиялик гаровга олинган. Уларнинг ҳозирда қаерда эканлиги номаълумлигича қолмоқда.



Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, Нигерия Президенти Умар Муса Ярадуа гаровдагиларни излаш ва озод этиш билан шахсан ўзи шуғулланмоқда. Эслатиб ўтамиз, гаровга олинган фуқаролар «РУСАЛ» алюминий компанияси ходимларидир.

Шу пайтга қадар ҳеч ким мазкур гаровга олишни ўз зиммасига олгани йўқ.

### Дипломатик муносабатлар ўрнатилди

Коста-Рика Президенти Оскар Ариас Хитой билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганини маълум қилди.

Шу ойнанинг бошида икки давлат ташқи ишлар вазирлари биргаликда коммюнике имзолаган. Ушбу ҳужжатга кўра, Коста-Рика Тайванни Хитойнинг бир қисми сифатида билади ва барча муҳим масалаларда фақат расмий Лексин билан музокаралар ўтказиши. Шу пайтга қадар Коста-Рика Тайванни мустақил давлат сифатида тан олганди.

### Ўлгон маълумот касри

Кеча цунами хавфидан огоҳлантирувчи SMS олган минглаб индонезияликлар ўз уй-жойларини ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Ушбу хабар уяли алоқа телефони орқали тарқатилган. Маҳаллий метеорология хизмати бу SMSга алоқадор эмаслигини, ер қимирлаши ва цунами рўй беришини олдиндан билиб бўлмастлигини маълум қилди. Ушбу маълумот ўлгонлиги расман эълон қилинган бўлса-да, аксарият аҳоли ўз уйига қайтишни рад этмоқда.

### Балиқчилар озод этилади

Ўтган шанба кuni финляндиялик уч нафар балиқчи Эроннинг сувли ҳудудига руҳсатсиз кирганлиги учун қўлга олинганди.

Финляндия Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, Эрон ҳукумати 48 соат мобайнида балиқчиларни озодликка чиқаришга ваъда берган. «Биз Эрон ҳукумати билан ушбу масалада музокаралар олиб бораётишимиз. Балиқчилар билмасдан чегарани кесиб ўтишган ва улар яқин 48 соат мобайнида озод этилишига умид қилмоқдамиз» дея баёнот берди мамлакат ташқи ишлар вазири вакили Паси Туминен.

### Сиам эгизакларини ажратса бўладими?

АҚШда бошлари бир-бирига қўшилган сиам эгизакларини операция қилиш бошланди. Шифокорлар Италияда тутилган Татьяна ва Анастасия Доғараларнинг бошларини бир-биридан ажратиш мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Бунинг учун сиам эгизаклари олти ой давомида бир неча мартаба жарроҳлик столига ётиши керак.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автobусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «АМКОДОР» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боршингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

**МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ**

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

**МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ**

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун ахтиёт қисмларни таклиф этади.

Махсулот сертификатланган

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-75, 361-40-90. Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

Қадим ва навқирон шаҳар юбилей олдидан Самарқанд вилоятида тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ўқувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кўплаб маданий-маърифий тadbирлар, учрашувлар ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

**ЮРТИМИЗ ИФТИХОРИ**

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмларининг вилоят бўлиmlари томонидан Пастдаргом туманида ташкил этилган «Самарқанд тарихи — юрт ифтихори» мавзусига бағишланган тadbирда Шарқ гавҳари — Самарқанднинг бой ўтмиши, дунё тамаддунида тутган ўрни, бу ерда кўтлуг юбилей олдидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. Қадимий ва навқирон шаҳар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон аҳлининг доимий эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, унинг тарихи, бу заминда туғилиб ўсган алломаларнинг маънавий меросини чўқур ўрганиш ва тарғиб этиш асосий вазифаларимиздан экани таъкидланди.

Бундай учрашувлар мулоқотлар тумандаги бир қатор маҳаллаларда давом этади. Мутахассислар иштирокидаги қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Ҳ. ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири.

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ**

томонидан 2007 йил 1-чораги яқунлари бўйича ўтказилган республика тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш натижалари

2007 йил 1-чораги яқунлари бўйича ўтказилган рейтингда 21 та тижорат банки иштирок этди. Утган давр мобайнида республикамиз тижорат банкларининг рейтинг баҳоси сезиларли даражада яхшиланди (ўртача рейтинг кўрсаткичи 2006 йилнинг 1-чораги яқунлари бўйича 33,66 баллдан 2007 йилнинг 1-чораги яқунлари бўйича 41,74 баллни ташкил қилди). Тижорат банклари рейтингининг яхшиланишига банклар фаолиятининг барча кўрсаткичлари, шу жумладан, қўламлилик, ишончлилик ва рентабеллилик каби кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши натижасида эришилди.

Дарҳақиқат, банклар фаолиятининг қўлами кенгаймоқда. Жорий йилнинг 1-чораги яқунлари бўйича рейтингда иштирок этган тижорат банклари активлари ўтган йилнинг шу даврига қараганда нисбатан 45 фоизга ўсди. Банклар активларининг асосий қисми кредит қўйилмалари ва ликвид маблағларига тўғри келди. Кредит қўйилмалари (соф қолдиқ) тахлил қилинаётган давр мобайнида 32 фоиз ортди. Банкларнинг лизинг фаолияти ҳам жадаллашиб, уларнинг лизинг портфели уч баробар кўпайди. Банкларнинг ликвид маблағлари ҳажми (нақд пул қолдиғи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклардаги ҳисобовараклар қолдиғи) эса 52 фоизга ўсди.

Банклар актив операцияларининг кенгайишида жалб қилинган маблағларнинг сезиларли даражада ўсиши (ўсиш суръати 46,5 фоиз) муҳим аҳамият касб этди. Депозитлар ва жалб қилинган ссудалар банклар ресурсларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, улар биргаликда банклар умумий мажбуриятларининг 84,4 фоизини ташкил қилмоқда. Утган давр мобайнида тижорат банкларининг умумий депозитлари 62,1 фоизга, шу жумладан, талаб қилиб олингунча (81,8 фоиз) ва мудатли (36,5 фоиз) депозит ҳисобовараклари қолдиқлари ўсиши кузатилди.

Банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан устав капитали ва тақсимланмаган фойда ҳисобига шаклланди. Утган давр мобайнида тижорат банкларининг акциядорлик капитали 30,9 фоизга ўсди. Акциядорлик капитали таркибидagi устав капитали 43,4 фоизга ва тақсимланмаган фойда эса 22,8 фоизга ўсди.

Банкларнинг ишончлигини даражаси ҳам ортмоқда. Банклар ишончлигининг яхшиланиши капитал етарлиги, активлар сифати ва ликвидликнинг ошиши билан изоҳланади. Ишончлилик кўрсаткичининг яхшиланишига

**Йирик тижорат банклари**

| Банклар номи            | Яқуний рейтинг бали |
|-------------------------|---------------------|
| «Ўзсаноатқурилишбанк»   | 76,21               |
| «Кредит-Стандарт» банки | 72,30               |
| «Пахтабанк»             | 70,89               |
| «Ипотекабанк»           | 67,51               |
| «Фаллабанк»             | 48,93               |
| «Капиталбанк»           | 48,69               |

**Ўрта тижорат банклари**

| Банклар номи     | Яқуний рейтинг бали |
|------------------|---------------------|
| «Трастбанк»      | 56,44               |
| «Алп Жамол банк» | 55,81               |
| «UzKDB банк»     | 45,36               |
| «Парвинабанк»    | 44,51               |
| «УТ банк»        | 36,94               |
| «Туронбанк»      | 31,98               |

**Кичик тижорат банклари**

| Банклар номи    | Яқуний рейтинг бали |
|-----------------|---------------------|
| «Даврбанк»      | 62,49               |
| «Универсалбанк» | 24,63               |
| «Туркистонбанк» | 11,58               |
| «Уктамбанк»     | 7,96                |
| «Самарқандбанк» | 6,53                |

**Sonata NF Santa Fe**

**New Elantra Tucson**

Тел.: 215-89-89. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган

www.hyundai-motor.com

# ХИВА МЎЪЖИЗАСИ — МАРФИЛОНДА

2000 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Марғилон шаҳрида «Музейлар фестивали» бўлиб ўтди. Фестивалда республикамиз пойтахти Тошкент ва бошқа барча вилоятлардан музей ходимлари иштирок этдилар. Мазкур анжуман иштирокчиси — Хива «Ичон-қалъа» музей-қўриқонаси бош директори Ботир ДАВЛЕТОВДАН ўз таассуротларини гапириб беришни илтимос қилдик.

— Аввало, Марғилон ҳақида икки оғиз сўз. У — Фарғона водийсидаги энг сўлим, кўркем, гўзал маскан. Машҳур «Бобурнома» асаридида бу шаҳарнинг ободлиги, ширин-шаккар мевалари, айниқса, «До-наи қалон» номли анори, «Субҳоний» номли ўриги таъриф-тавсифланган. Урта асрларда у қўлда тўқилган шойиси, атласи билан ҳам шўҳрат қозонган эди. Марғилон атласи халқаро савдога чиқарилиб, Бағдод, Қашкар, Миср, Хиндистон, Юнонистонга олиб бо-риб сотилган.

масжид, мадраса, минора, макбараси, Карвонсарой каби меъморий обидалар унинг ноёб экспонатлари эканлигини ҳикоя қилиб бердим. Жаҳон туризмининг асосий йўналиши тарихига кирган бу ша-ҳарда 130 дан зиёд тари-ҳий ёдгорликлар авайлаб асралаётганлигини фахр билан гапирдим. 1990 йил 12 декабрда Ичон-қалъа ЮНЕСКО маданий ёдгор-ликлари рўйхатига кири-тилганлигини айтиб, ҳозир 26 гектар майдонни эгал-лаган ҳудуднинг 3253,2 кв. метр майдонда 15 та до-рий экспозиция-си жойлашганлиги, уларда Хораз-мининг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихи акс эттирилганлигини таъкидладим.

Айтилган ушбу фикр-мулоҳазаларни 40 дан ош-иқ кўрғазмада амалий равишда кўрсатиб бердик. Миллий либос-лар, хунармандчилик бўйича ташкил қилинган кўрғазмалар ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Урта Осиёда биринчи кинооператор, машҳур юртдошимиз Худойберган Девоннов яратган филь-лар, у тасвирга туширган юздан ош-иқ суратлар ҳакамлар ҳайъати, томо-шабинлар томонидан юқори баҳоланди. «Ичон-қалъа» музей-қўриқона-сига биринчи даражали диплом берилганлиги фахр бағишлади ва айни пайтда бу бизда ота-бо-боларимиздан қолган ноёб ёдгорликларни кўз қорачигидек асраш, кел-гуси авлодларга ўз кўри-нишида етказиш масъули-ятини ҳам оширди.

Абдулла САФОВЕВ Ёшб олди.


Улкан тўйга қизгин тайёргар-лик кўраётган ша-ҳарнинг бугунги жамоли кўзларни қувонтиради. Ноёб тарихий



## Тараддуд

ёдгорликлар, гўзал бо-лар, хиёбонлар, гулзор-лар, фавворалар, мухта-шам замонавий иншоот-лар шаҳар кўрғизига-кўр-қўшиб турибди. «Мингхо-вуз» маҳалласидаги пил-лакашлик фабрикаси кат-та бирлашмага айланти-рилибди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган Марғилон атласи ҳозир ҳам дунёга машҳур.

Мамлакат миқёсида ўтказилган бу фестивал-да жамоамиз вакиллари ҳам иштирок этиб, Хива мўъжизаларини Марғи-лонда намойиш этиб кел-дик. Менга сўз берилган-да Хива шаҳрида илк музей очилганига 87 йил тўлганлигини, аммо асли-да Хиванинг ўзи оч-иқ му-зей эканлиги, хонларнинг эрамиздан олдин қурилган тўрт дарвозали, паҳса де-ворли саройлари, пиш-иқ гиштдан барпо этилган



Яхши хабар

## «Мингбулоқ» мавсумга шай

Улуғнор тумани мактабларининг 600 нафардан зиёд ўқувчиси бу йил ёзги таътилни «Мингбулоқ» оромгоҳида ўтказадиган бўлишди. Айни пайтда ушбу маскан тумандаги фермерлар, тадбиркорлар ва умуман, саховатпеша кишилар томонидан тўлиқ таъмирланиб, ётоқхона жиҳозлари, стол-стуллар келтирилди. Кутубхона эса бадий ада-биётлар, даврий нашрлар билан бойитилди.


О. ШОДНОАЛИЕВ.

## «SITWET INVEST» КК

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси кўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва оморда мавжуд бўлган куйидаги маҳсулотларни сотишдир: - фермер ва деҳқонлар ишлаб чиқарган 80 см. лик пилёз, фермер ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар; - фермер ва деҳқонлар учун хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат); - сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат); - юк автомобиллари учун автошиналар (240-508Я, 260-508Я, 280-508Я).

Маҳсулотлар сертификатланган. Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда. Телефонлар 135-09-28, 142-50-84. Манзили Тошкент шаҳри, «Лабаз» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.



Кадрият

— Ҳар бир давр маданияти, маънавияти ва инсон рўҳиятини белгилашда ўша замон либослари алоҳида аҳамиятга эга, — дейди ўзини «Элхолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили деб таништирган Олимжон Юнусов. — Африқоёб деворий суратлари ва музейлардан ўрин олган турли давр либослари, инсонлар қиёфаси ва уларнинг кийинишлари ўша давр ҳақида маълум хулосалар чиқаришга хизмат қилади. Ана шу мақсадда «Элхолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси ҳамда инвестицион дастур асосида Самарқандда ташкил этилган «Эл мероси» тарихий либослар театри республикамизда фаолият кўрсатаётган ягона либослар мавзисига намойишга ихтисослашган.

Театрнинг бадий раҳбари Геннадий Полищукнинг айтишича, мазкур жамоани тузишдан мақсад мамлакатимизда, хусусан, Самарқанд вилояти ва шаҳрида азалдан истиқомат қилиб кел-ётган халқларнинг кўп асрлик анъана ва урф-одатлари, кийим-кечакларининг

Яқинда мухташам «Туркистон» саройи ёнидан ўтаётиб, бир эълонни ўқиб қолдик: «Элхолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Эл мероси» театрининг либослар намойишига марҳамат». Биласиз, «Элхолдинг» — мустақиллик шарофати билан ташкил этилган корхона. Асосан ўқув муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаб келаётган бирлашманинг маҳсулотлари хорижий мамлакатларда ҳам харидорғир эканлиги кўпчиликка маълум. Аммо «Элхолдинг» қошида театр ташкил этилганлигидан беҳабар эдик. Шунинг учун қизиқиш билдириб, томоша белгиланган кунда санъат саройига бордик. Либослар намойишини завқ ила кузатиб, ҳайратлар оғушида қолдик...

# «ЭЛ МЕРОСИ» — АСРЛАР САДОСИ

ўзига хошлигини кўрсатишдан иборат. Ташкил тонал-лигига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, жамоа Бельгия, Италия сингари давлатларда гастролда бўлиб қайтди. Европа халқ-ларида Марказий Осиё халқ-лари маданияти ва санъат-ига бўлган қизиқиш, айтиш керакки, жуда кучли. Шунинг учун ҳам сафар чоғида те-атр намойишларини томо-шабинлар катта қизиқиш би-лан кўтиб олдилар.

Либослар намойиш эти-ладиган қиш бир соатдан зиёдроқ давом этади. Шу вақт мобайнида томошаби-нлар ўзларини мўъжиза-лар оламида сайр қилиб юр-гандай ҳис қиладилар. Чунки уларнинг кўз ўнгида брон-за даврдан тортиб то XIX ас-ринг ўрталаригача бўлган давр манзараси намойён бўлади. Театр жамоаси 3 на-фар йигит, 11 нафар қиздан иборат. Уларнинг ўртча ёши 18 ни ташкил қилади.

Шунга қарамадан, улар ўз зиммаларидаги вазифани муваффақият билан бажари-шадими, беихтиёр кўларин-гиз қарсақка чоғланади. Ай-ниқса, ёш йигит-қизларнинг турли даврларга доир ли-бослари юксак маҳорат би-лан кўз-кўз этишлари йигил-ганларнинг олқишларига са-зовор бўлди.

Жамоа аъзолари яқинда Тошкентдаги Алишер Навоий номли Давлат академик Кат-та театрида республика Таш-

қи ишлар вазирлиги томони-дан хорижий давлатлар эл-чилари ва кенг жамоатчилик учун ташкил этилган анжум-анда ўз санъатларини на-мойиш қилдилар. Томоша давомида иштирокчилар ЮНЕСКО томонидан 2750 йиллик юбилейни нишонла-нишга тайёргарлик кўрилай-ган Самарқанднинг қадим либослари билан танишди-лар. Унда Фирдавсийнинг «Шохнома», Шарафиддин Али Яъдининг «Зафарнома», Захириддин Муҳаммад Бо-бурнинг «Бобурнома», Сад-риддин Айнингнинг «Мангит сулолалари тарихи» каби асарларидаги сиймоларнинг либослари намойиш этилди. Жаҳоннинг турли мамла-катларида сафарга бориб, миллий либосларни кўз-кўз қилайётган «Эл мероси» те-атри жамоасининг режала-ри катта. Айни пайтда жа-моа кўча ва навқирон Са-марқанднинг 2750 йиллик муносабати билан пойтахти-мизда ўз чиқишларини ую-штирмоқда.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ. СУРАТЛАРДА: «Эл мероси» либослар театрининг чиқишларидан намуналар.



## Газ уювчи астеъмоқчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

### «Крокус Газ Сервис» КК (Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

### ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган. Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

### Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари. Ўлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача); - «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача). Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Маштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Advertisement for Nissan SUVs. Includes image of a Nissan SUV and text: Товар сертифицирован. 100% ГАРАНТИЯ. 195-88-77 ВЕСЬ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД от 14 500 у.е. + подарок.

## Фермерлар диққатига!

ТАШКИЛОТ «AGRIKO» (Голландия) компаниясида етиштирилган биринчи репродукцияли элита ва суперэлита сортли куйидаги: эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизере ва бошқа

## КАРТОШКА УРУҒЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ НАКД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАКЛИФ ЭТАДИ.



Картошка уруғлик материали куйидаги манзилда жойлашган омордан сотилади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» КФЙ, «Лойиҳачи» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — «Назарбек» божхона пости. Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.

Advertisement for Setco 'УМНЫЙ ДОМ' (Smart Home) system. Includes text: Магазин-салон «УМНЫЙ ДОМ». Мани-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа. (Под заказ). Тел.: 138-9999, 137-2988.

## Спорт Самбо юлдузлари беллашуви

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуаси беш кун давомида самбо бўйича Осиё чемпионати ва жанг-вар самбо бўйича халқаро фестивалга мезбонлик қилди.

Нуфузли турнирда мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Сингапур, Ливан, Муғулистон, Хиндистон, Покистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Германия, АҚШ ва Камерун давлатларидан келган 500 нафардан зиёд полковлар иштирок этиди.

Ҳамюртларимиз барча иштирокчиларни аънаваларимизга хос равишда меҳмоннавозлик билан қўтиб олишдан бўлса-да, кураш гиламида уларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Вакилларимиздан Озод Пардаев, Зариф Ра-сулов, Шавкат Жўраев, Хусан Ҳасанов, Султон Эргашев, Илҳом Сотолдиев, Яфар Гуломов, Дилафруз Абдурахимова, Екатерина Близнцова, Муҳаммад Каримшохова, Гулнора Хайдарова, Элнора Умирова, Шаҳно Турсунова ва Дилноза Камбаровалар ўз ва-зан тоифаларида олтин медал-ларга сазовор бўлдилар.

## Европа майдонларида



Футбол бўйича «Евро-2008» гуруҳ босқичида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди.

«Е» гуруҳи пешқадамла-ри Хорватия-Россия ўйини кўпчиликда қизиқиш уйғот-ганди. Иккала жамоа вакил-лари томонидан кўпглаб ҳужумлар уюштирилган бўлса-да, унрашувда ҳисоб очилмади. Гуруҳда Хорватия футболчилари 17 очко билан пешқадамликни сақлаб қолишди. Исроил терма жамоаси Андорра футболчиларини 2:0 ҳисо-бида доғда қолдириб, ик-кинчи ўринга кўтарилиб олди. Россияликлар 15 очко билан учинчи ўринда бо-ришмоқда. «А» гуруҳида охириги ўринларни эгаллаб турган Қозоғистон — Озар-бойжон учрашувида ҳам 1:1 ҳисоби қайд этилди. Қол-ган учрашувлар натижалари билан танишинг: Арма-нистон — Польша 1:0, Фин-ляндия — Бельгия 2:0, Франция — Грузия 1:0, Лит-ва — Италия 0:2, Фарьер ороллари — Шотландия 0:2, Норвегия — Венгрия 4:0, Греция — Молдова 2:1, Бос-ния — Словакия 2:1, Эсто-ния — Англия 0:3, Латвия — Дания 0:2, Швеция — Ис-ландия 5:0, Лихтенштейн — Испания 0:2, Болгария — Беларусь 2:1, Руминия — Словения 2:0, Люксембург — Албания 0:3.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» жамоаси банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриева волида мух-тарамаси МАЛОҲАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқаро Hamkorlik Markazi» акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раиси Анвар Норбоевга отаси Юсуф НОРБОЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Булуртама Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадди Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Тижорат материали «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.45

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтборов. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусаҳҳих — М. Ёқубова. 2 3 4 5 6